

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

ГУЛЛАР ШАҲРИ — НАМАНГАНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!



Орифжон Жўраев, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланғичи 1-бетда

Куни кеча, 16 февралдан бошлаб Тошкент — Наманган — Андижон йўналишидаги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди. Чипта нархи ҳам нисбатан арзон. Тошкент — Наманган — Андижон йўналишидаги поезд ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари, Андижон — Наманган — Тошкент йўналишидаги поезд эса чоршанба ва шанба кунлари ҳаракатланади.

Пойтахтга йўл оладиган поезд Наманган шаҳри вокзалида тўхтаб ўтиши узоқ йиллардан бери қўйилмаган вақога эди. Шу пайтгача Тошкентга кетаётган поездга чиқиш учун вилоятнинг Поп туманидаги бекатга бориш, салкам 70 километр йўл босиш лозим бўларди. 15 февралдан бошлаб Андижон

— Нукус ва Нукус — Андижон йўналишида ҳам поездлар қатнови йўлга қўйилди.

— Ҳозир Қўқон — Наманган — Қўқон ва Қўқон — Марғилон — Андижон йўналишларида шаҳарлараро поездлар йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Дарвоқе, энди ҳафтанинг ҳар сешанбасида Фарғона водийси бўйлаб электрпоездлар ҳалқа йўналишида ҳаракат қилади. Намангандан йўлга тушган поезд Андижон, Марғилон ва Қўқон бекатларида тўхтаб ўтиб, яна Наманганга қайтиб келади. Чипта нархи ҳам қimmat эмас, 16 минг сўм, — дейди Наманган темир йўл вокзали бошлиғи Баҳодир Набижонов.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 16 февраль куни Тошкентдан ҳаракатини бошлаган Тошкент — Наманган — Андижон йўналишидаги йўловчи поезди Наманган шаҳри

вокзалига илк йўловчилари билан етиб келди.

Норин тумани ҳокимлиги ахборот хизмати хабарига қўра, мазкур йўналишдаги поезд тунда Ҳаққулбод вокзалида ҳам 1-2 дақиқа тўхтаб, Андижонга йўл олган.

— Эндиликда Нориндан Тошкентга поездда тўғридан-тўғри бориш имкони бор. 2008 йилдан, яъни 13 йилдан бери пойтахтимизга Наманганнинг ўзидан рейс йўқ эди. Бугун йўловчи поездини қабул қилдик, тажриба-синов муваффақиятли ўтди. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Худо хоҳласа, ҳамюртларимиз учун янада яхши бўлади. Бехатар сафарлари таъминланади, — дейди Ҳаққулбод бекати раҳбари Нурилла Аҳмаджонов.

17 февраль куни эрталаб Андижон вокзалидан ҳаракатини бошлаган Андижон — Наманган — Тошкент йўналишидаги йўловчи

поезди Наманган шаҳри вокзалидан ўзининг биринчи йўловчиларини Тошкент шаҳрига олиб кетди ва қарийб 5 соатдан сўнг эсон-омон манзилга элиб қўйди.

— Қувончимизнинг чеки йўқ. Сабаби, бу янгиликни 15 йилдан буён кутамиз. Қамчиқ довонидан Тошкентга кўп қатнайман. Поезднинг чипта нархи ҳам қониқтиради, ҳаммаси маъқул. Автомобилда қатнайди деган бўлсак, баъзан 150 минг сўмгача кўтарилиб кетарди. Айниқса, кесалар ва болалар эркин ва қийналмай манзилга боришлари учун айни муддао бўлди. Поезд барибир бошқача-да. Бу қўлайлик учун Президентимизга, темир йўл тизими мутасаддиларига ва ходимларига, поезд хизматчиларига самимий миннатдорлигимизни билдираман, — дейди йўловчи Муродали Аскарлов.

— Ҳозирги кунга қадар Андижон, Марғилон, Қўқон ва Поп вокзаллари орқали Тошкент, Бухоро, Хива ҳамда Термиз шаҳарлари ва йўловчи поездлари қатнови амалга ошириб келинаётган эди, — дейди "Ўзтемирйўл" акциядорлик жамияти тезорар поездлар ҳаракати бўйича масъул Баҳром Каримов. — Энди эса водийга Наманган шаҳри орқали поезд қатнови маҳаллий аҳоли талаб ва истакларидан келиб чиқиб йўлга қўйилди. Қолаверса, бундан Президентимизнинг бу борадаги фармони ва топшириқлари ижросини бажариш, ички ва зиёрат туризмининг ривожлантириш мақсади кўзланган. Ушбу поезд йўналиши давомида Поп вокзали, Чуст, Тўрақўрғон, Ровустан станциялари ҳамда Наманган вокзали, шунингдек, Чортоқ, Уйчи, Ҳаққулбод, Пойтуғ станцияларидан ўтиб, Андижонга кириб боради. Вагонларимизда барча шароит ва қўлайликлар мавжуд.

Ҳа, гуллар шаҳри Наманганга узоқ йиллик танаффусдан сўнг яна поезд қатнай бошлади. Узи билан наманганликларга шодлик ва қувонч олиб келди.

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ

ОСОЙИШТАЛИК — ФАРОВОНЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК АСОСИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли тинчлиги, хавфсизлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш йўлида кенг қўламли чора-тадбирлар кўриломоқда. Бунинг ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, фуқароларга яратилаётган қўлайликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Наманган шаҳри ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 1-ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг шу кунигача наватчилик қисмига келиб тушган 235 та ариза, шикоят ва муурожаатнинг барчаси ўз вақтида ҳал этилди. Шаҳарнинг ушбу ички ишлар бўлими 27 та маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатади. Худудда 151 057 нафар аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 31 602 нафари вояга етмаганлар. Мазкур маҳаллалар маъмурий ҳудудига 2 882 та замонавий видеокузатув камераси ўрнатилган.

Жорий йилнинг 29 январь куни наватчилик қисмига "Маънавият" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи К.Н. мурожаат қилди. У ўз аризасида кўчада турган автоуловчи эхтиёт қисмларини номаълум шахслар ўғирлаб кетганлигини билдирди. Кузатув мосламасидаги тасвирлар мазкур жиноятнинг тезда фож бўлишига ёрдам бериб, қонунбузарлар зудлик билан қўлга олинди. "Соҳил" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи уч нафар фуқаро мазкур жиноятни содир этганлиги аниқланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг бошидан шу кунга қадар худудда 31 та жиноят қайд этилган бўлса, шундан 8 таси ўғирлик, 4 таси фирибгарлик, 2 таси безорилик, 3 таси йўл-транспорт ҳодисаси, 12 таси бошқа жиноятларни ташкил этди.

— Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг асосий вазифаси ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламли профилактик тадбирларни ўтказишдан иборат, — дейди 71-таъин пункт профилактика инспектори, катта лейтенант Азамат Умироқов. — "Чаманзор" маҳалласида олиб бориладиган кенг қўламли тадбирларимиз натижасида жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар маҳалла ҳудудида умуман жиноят содир этилмади. Албатта, бу билан хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Чунки ҳар бир содир этилган жиноятнинг ортида инсон тақдир турибди. Ўзим хизмат олиб бораётган

ҳудудни беш қўлдек биламан. Ким нима машғулот билан шуғулланади, маҳаллага кимлар келиб, кимлар кетади, ким қаерда сафарда, барча жараёнин назорат қилишга вақт, имкон топаман.

— Худуд осойишталигини таъминлаш билан бир қаторда, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ногирон ва эхтиётмайд оилалар билан ҳам мунтазам иш олиб бормоқдамиз, — дейди 1-ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Илҳомжон Абдурахмонов. — Куни кеча, 15 та кам таъминланган хонадонга жами 300 та товўқ улашилди. Саховатпеша тадбиркорлар билан ҳамкорликда бундай оилаларга 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тарқатилди. Ногиронлиги бор 4 нафар фуқарога ногиронлик аравачалари, 2 нафар ётиб қолган 1-гурўх ногиронига амал қилиш мuddати ўтиб кетган паспортларининг ўрнига биометрик паспортлар уйларига етказиб берилди. Шунингдек, камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш учун бундай оилаларда яшаётган фуқароларни иш билан таъминлаш чоралари ҳам қўриляпти.

Бундан ташқари, таъйиқ ва зўравонлик қурбони бўлган жабрдийда хотин-қизларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳимоя ордери ҳам берилмоқда.

— Зиммамиздаги вазифа ва масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар бўлими-миз ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган, таъйиқ ва зўравонлик қурбонига айланган хотин-қизларнинг 14 нафарига ҳимоя ордери берилди, — дейди ҳуқуқбузарликлар профилактика бўлими асосий хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори капитан Дилором Тожибоева.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз фаровон яшашида осойишталик посбонларининг ҳам ўрни бекиёс. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Феруза ОТАХОНОВА

МУНОСАБАТ

ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАСИНИ ҲАММА ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗИШИ ЛОЗИМ

Бошланғичи 1-бетда

Жорий йилда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни "маҳаллабай", яъни айнан шу ҳудуднинг хусусият ва имкониятларидан келиб чиқиб ҳал этиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Ийгиликда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"га доир Давлат дастурида белгилаб берилган кенг миқёсли вазифалар ижросига тўхталиб ўтилди. Ҳар бир вазирлик ва давлат ташкилотининг бу жараёндаги иштироки ҳақида аниқ маълумотлар келтирилди.

Ушбу давлат дастуридаги чора-тадбирларни бажариш учун қарийб ўттиз триллион сўм, икки миллиард олти юз миллион АҚШ доллари ва эллик етти миллион евродан зиёд маблағ йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Президентимиз "маҳаллабай" иш услуби ҳақида сўз юритар экан, "Ҳар қанча қийин бўлмасин, 500 минг нафар ёш ва 200 минг аёлни иш билан таъминлаш ҳамда 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш лозим. Агар "маҳаллабай" тизимини жойига қўйиб, давлат идоралари дастуридаги вазифаларни кўриб, илм билан, ақл билан бажарса, кескин ўзгариш бўлади", дея мутасадди ташкилот раҳбарларини янада фаолликка ундади.

Таъкидланганидек, юртимиздаги таҳлиллар асосида аниқланган, ривожланишдан ортда қолаётган 33 та туман ва оғир аҳолига 970 та маҳалланинг йўли, ичимлик сув ва электр таъминоти, ирригация тармоғини яхшилаш бугунги куннинг бирламчи вазифасига айланиб бормоқда. Зеро, ислохотлар ва уларнинг амалий натижалари мамлакатимизнинг энг олис манзил ва чекка қишлоқларига қадар етиб бориши зарур.

Давлат дастуридаги асосий йўналишлар сифатида иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда янги иш ўринларини ташкил этиш, ху-

сусан, ўз ишини бошلامоқчи бўлган ватандошларимизга етти миллион сўмгача субсидия, касбга ўқиморчи бўлган эхтиётмайд аҳоли вакиллари-га бир миллион сўмдан компенсация берилиши кўзда тутилган. Ийгиликда соҳа мутасаддиларига ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали жорий йилнинг биринчи ярмида ўн минг, йил якунига қадар эса яна ўн минг — жами 20 минг юрtdошимизни иш билан таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Хусусан, деҳқончилик билан шуғулланиш истагидаги ёшларга ўн сотихдан бир гектаргача ер ажратилиш жараёнини адолатли ўтказиш, бунда жамоатчилик фикрини инобатга олиш зарурлиги, оилавий тадбиркорлик учун ажратилган олти триллион сўм кредит маблағларини самарали йўналтириш, ҳар бир маҳалланинг "ўсиш нуқталари"дан келиб чиқиб, тадбиркорлик салоҳиятини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ийгилиш давомида Давлат дастурида белгиланган бунёдкорлик ишлари ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумланидан, ички ва қишлоқ йўлларини таъмирлаш, жойлардаги электр тармоқлари ҳамда трансформаторларни янгилаш, етти юздан ортиқ аҳоли яшаш манзилга тоза ичимлик сув етказиш бўйича белгиланган кўплаб ижтимоий масалалар тилга олинди.

Давлатимиз раҳбари мазкур вазифаларни амалга оширишда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини жойлардаги "ўсиш нуқталари"дан келиб чиққан ҳолда шакллантириб бориш ҳамда маҳаллий кенашларга киритиш зарурлигини айтиди. "Давлат дастуридан асосий мақсад — қозғоқ ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар килиши. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз фаолиятида натижа кўрсатиши зарур ва шарт", деди Президентимиз.

Айни вақтда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирли-

ги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган. Мазкур амалиёт натижасида жойларда одамларни ўйлантираётган кўплаб ижтимоий муаммолар ҳал этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг шу вақтига қадар ишчи гуруҳлар ташаббуси билан чекка маҳаллалардаги 1 882 километр арик ва зовурлар тозаланди. 90 минг 961 дона мевали ва манзарали дарахт кўчати эҳкам. Машиий чиқинди тўпланадиган 628 та маскан тартибга келтирилиб, 29 таси янгидан қурилди. 730 та тунги ёритқич мосламаси ўрнатилди.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида 47 минг 729 нафар фуқаро тиббий куриқдан ўтказилиб, уларнинг қарийб беш минг нафарига бепул дори-дармон махсулотлари, бир ярим минг нафардан зиёдаги ногиронлик аравачаси, қўлтиқаёқ ҳамда протез-ортопедия воситалари тарқатилди. Қарийб беш минг эхтиётмайд фуқарога машиий техника, тикув машинаси ва озиқ-овқат махсулотлари тақдим этилди. 895 нафар юртдошимизга моддий ёрдам берилди.

Видеоселектор йиғилишида жорий йилда бюджет ҳисобидан 22 та болалар боччаси ва 31 та янги мактаб қуриши, ҳар бир туманда физика фанига ихтисослаштирилган биттадан мактаб ташкил этиш, маданият марказлари, музейлар ва театр биноларини таъмирлаш ҳамда жихозлаш бўйича маълумотларни аниқлаш зарур топшириқлар берилди.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун бугун ҳар бир соҳа раҳбари ва масъулларидан катта масъулият ва меҳнат талаб этилади. Зеро, барчамизнинг асосий мақсадимиз муштарак — юртдошларимиз бугунги ислохотлар моҳиятини тўла англаган ҳолда унинг натижасини, аввало, ўз ҳаётида қўриши, сезиши лозим. Бунинг учун эса соҳа вакиллари халқ билан мулоқот қилиши, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни жойига қиққан ҳолда ўрганиши, ечимини маълум қилиш ташкил этиши шарт.

АНЖУМАН

ГИДРОЭНЕРГЕТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланғичи 1-бетда

Иқлим ўзгаришлари ҳам минтақанинг сув ресурсларига ҳам таъсирини ўтказиб келяпти. Ийгирама йил мубайнида Амударё ва Сирдарёда обихаёт микдори 30 фоизга қадар камайиши тахмин қилинапти. Бунинг юртимизда охириги ўн йилда сув ресурслари эҳими 12 фоиз, ўтган йили 2019 йилдаги нисбатан 15 фоиз камайгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Гидроэнергетика станциялари фаолияти ҳам айнан сув билан боғлиқ. Жаҳон гидроэнергетикаси ҳиссасига ҳозирги кунда жами электр қувватлари ҳажмининг 20 фоизи тўғри келиши, замонавий иқтисодиёт ривожини бу тармоксиз тасаввур этиб бўлмаслигини инобатга олинса, унинг тараққиётига эътибор бунун дунёда тобора ортиб боришидан далалат беради.

Тошкентда ўз ишини бошлаган "Гидроэнергетика. Марказий Осиё ва Каспий" халқаро анжуманида ҳам айнан ани шундай долзарб муаммолар муҳокама марказида бўлди. Табиийки, тадбирда янги йирик ва ихчам ГЭСлар қуриши, мавжудларини модернизация қилишга инвестициялар жалб этиш, уларни бошқаришни рақамлаштириш ва мақбуллаштириш, объектларни диагностика ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, техник жиҳоз, ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиляпти.

— Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар унинг гидроэнергетика тармоғини ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади, соҳа бўйича етакчи мамлакатлардан бирига айлантиради, — дейди конгресс координатори, Россиянинг "Vostock Capital" компанияси асосчиси Оксана Федосеева. — Биз ҳам Ўзбекистоннинг энергетика тармоғи тараққиётига ўз хиссамизни қўшишга имконият туғилаётганидан мамнунмиз. Мазкур конгресс халқаро ҳамкорлик

асосларини шакллантиришда муҳим қадамлардан бири бўлади. Тадбирда Марказий Осиё ва Каспий минтақалари вакиллари — Ўзбекистон, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Эрон, Арманистон, Россия, Грузия, Туркия билан бир қаторда бошқа мамлакатларнинг соҳа тараққиётига дахлдор бўлган компаниялари ҳам иштирок этмоқда. Тадбир онлайн шаклда 15 дан ортиқ давлатга намоиш қилинапти.

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти асосий стратегик ҳамкор ҳисобланган халқаро қўламли йирик анжуманга мамлакатимиз илк мартаба мезбонлик қилляпти. Табиий равишда савол туғилади: унинг Ўзбекистонда ўтказилиши қандай манфаат келтиради?

— Юртимизнинг ўрگانлиг йиллик гидроэнергетика салоҳияти 27,5 миллиард кВт соатга баҳоланади, — дейди "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Ҳасан Ҳасанов. — Айни пайтда унинг 30 фоизидан фойдаланиляпти. Президентимиз қарори билан тасдиқланган дастуруда мувофиқ, инновацион лойиҳалар амалга оширилиши орқали 2026 йилга бориб умумий қувватни 1,7 баробар ошириш лозим. Бу жараёнда халқаро ҳамкорлар, нуфузли чет эл гуруҳларининг инвестицияларини жалб этиш, давлат-хусусий шериклиги асосида иш юритишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Конгрессда айнан бошқа мамлакатларнинг бу борада катта тажрибага эга бўлган, йирик лойиҳаларини амалга ошириб келётган компаниялари вакиллари ҳам иштирок этиляпти.

Чехиянинг "CILK hydro-energy" компанияси ани шундай корхоналардан бири. У 35 йилдан буён кичик ва ўрта ГЭСлар учун техник жиҳозлар етказиб бериш билан шуғулланиб келади. — Биз турбиналаримизни қурилиши ишларини, техник хизмат кўрсатишни минимал даражага камайтирган ҳолда лойиҳалаштиришга, — дейди ушбу компания менежери Ашот Петросян. — "CILK hydro-energy" дунёнинг энг яқин мамлакатиди иш олиб борган. Лекин ҳар бир лойиҳа устида алоҳида ишланиб, фақат шу жойга хос ускуна-

ларни ишлаб чиқарамиз. Эндиликда ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Фарғона водийси, хусусан, Андижонда бўлди. Кичик дарёларда ихчам ГЭСлар қуриш бўйича таклифларнинг муҳокама қилдик. Уйлайманки, бундай лойиҳаларни таъбиқ этиш учун ҳамма имконият бор. Бунда ушбу анжуманда иштирок этаётганимиз ҳам қўл келади.

Ҳақиқатан, кичик дарёлар билан бир қаторда каналлар, сув омборларидан тушадиган сув ўзларни электр энергиясини ҳосил қилишда беминнат манбадир. Табиатнинг мазкур инъомидан самарали фойдаланиш учун улларда кичик ГЭСлар қуриш мақсада мувофиқ. Қолаверса, олис масофадаги ва етиб бориш қийин, узатиш линияларини етказиш имконияти чекланган ҳудудларда бундай электр станциялари жуда асқотади. Ихчам ГЭСлар ҳар жиҳатдан фойдали ва улар ишлаб чиқарадиган электр энергияси нисбатан арзон туради.

Мамлакатимизда бу соҳага эътибор кейинги тўрт йилда тубдан ўзгарди. Президентимиз фармони асосида 2017 йил май ойида "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ташкил этилганидан буён 6 та кичик, 5 та микроГЭС ишга туширилиши ва модернизация қилиниши жамиятнинг электр энергияси ҳосил қилишга қўшаётган салмоқли ҳиссасини кўрсатиб турибди.

Мазкур АЖ ўтган йили республика-мизда ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб "Fitch Ratings" халқаро кредит рейтингининг "В+" (барқарор) даражасига сазовор бўлди.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ олдида қўламли вазифалар турибди. Бунда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хоржий кредитларни давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри жалб қилиш, ўз евробондин Лондон фонд биржасига жойлаштириш алоҳида ўрин тутаяди. Энергетика соҳасидаги йирик халқаро конгресснинг мамлакатимизда ўтаётгани шу каби мақсадларга эришишда ҳам замонавий платформа сифатида муҳим ўрин тутаяди.

ЮКСАЛИШ МЕЗОНЛАРИ

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ, МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ЙЎЛ



Бошланиши 1-бетда

Учрашувнинг амалий давоми сифатида Тошкентда Афғонистон, Покистон ва Ўзбекистон делегациялари ҳамда халқаро молия институтлари вакиллари иштирокида йўналиш бўлиб ўтди.

Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга ошириш, аввало, чуқур иқтисодий-иљий таҳлилни талаб қилади. Зеро, темир йўл йўналишининг аксарият қисми тоғли худудлардан ўтади. Режага кўра 573 километрга чўзилган темир йўл Ҳиндикуш тоғларидан етти та туннел орқали ўтади ва энг узун туннел 30 километрни ташкил қилади.

Иштирокчи мамлакатлар учун янги давр ва энг муҳим воқеа бўлиши кутулаётган бундай лойиҳалар инсонлар стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб, томонлар лойиҳаолди ҳужжатларини юқори сифатли қилиб тайёрлаш ва пухта илмий-иқтисодий таҳлил ўтказиш заруратида алоҳида аҳамият қўрамоқда. Зеро, 300 миллион аҳоли истиқомат қилаётган мазкур минтақада амалга оширилаётган бундай лойиҳалар инсонлар ҳаётига ҳам туб ўзгаришлар олиб кириши билан аҳамиятлидир.

Шунинг учун ҳам Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Халқаро тараққиёт молия корпорацияси (АҚШ) каби йирик халқаро молия институтларининг раҳбарлари ушбу йирик лойиҳани қўллаб-қувватладилар.

Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур лойиҳа минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлиқни таъминлашда жуда ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга, минтақадаги барқарорлик ва хавфсизликка ҳисса қўшадиган савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантиришга кенг йўл очади. Лойиҳани амалга ошириш юк ташин ҳаражатларини камайтиради, товарларни жўнатиш ва қабул қилиш муддатларини қисқартиради.

Афғонистон орқали Покистон денгиз портларига чиқиш учун аввал ҳам ҳаражатлар бўлган эса-да, уни амалга ошириш масаласи очкилигича қолиб кетган. Тошкентдаги учрашувда эса Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш бўйича аниқ ҳаражатлар режаси қабул қилинди.

Яна бир жиҳатни эътироф этиш жоизки, Афғонистонда тинчликни ўрнатилишида мазкур лойиҳанинг амалий ижроси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича амалга оширилган ва қутилган даражада самара бермаган ҳаражатларни тубдан бошқа йўналишда давом эттиришга замин яратилиши билан ҳам муҳимдир. Яъни афғон заминда тинчлик ўрнатишдан манфаатдор бўлган кўшма ва ҳамкор давлатларнинг яқдил мақсад сари ҳамжиҳатликда одимлашига ёрдам беради, десак муболага бўлмайди. Фикримизнинг тасдиғи сифатида бир қатор ривожланган давлатларнинг расмий вакиллари ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам лойиҳа қўллаб-қувватланаётгани ҳамда улар мазкур жараёнда иштирок этишга тайёрлигини қайд этиб ўтиш жоиз.

Темир йўл орқали ҳаражатнинг бошланиши Ўзбекистон учун Афғонистон, Покистон, Ҳиндикуш билан савдо алоқаларини ривожлантириш имкониятини беради. Бугун Ўзбекистоннинг Покистон ва Ҳиндикуш билан савдо айланиши 500 миллион АҚШ доллари атрофида эканига эътибор қаратадиган бўлсак, аҳолиси 2 миллиардга яқин ва ЯИМ 3,5 триллион долларни ташкил этадиган Жанубий Осиё давлатлари бозорига кириш орқали янги имкониятлар эшиги очилади. Шу билан бирга, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларида Ўзбекистон етакчилар қаторига чиқишига имкон тузилади.

Мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндикуш ташрифи довомида ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, зарғарлик саноати, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик инфратузилмасини модернизация қилиш ва ҳамкорлик дастурлари борасида эришилган келишувларнинг амалий ижросини жадаллаштиришда катта аҳамият касб этади. Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиб истиқболда Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли орқали Жанубий Осиёга, жумладан, Чоҳбаҳор порти орқали Ҳиндикушга чиқиш имконини беради. Натижада ахборот технологиялари, дастурий таъминот, қишлоқ хўжалиги, қайта тикланадиган энергия ҳамда ушбу соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларнинг ижобий ечим таъминланади. Ўзбекистон манфаатдор бўлган кимё саноати, энергетика, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-полаб-зал, туризм соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни бажаришига эришади.

Минтақа давлатлари ўртасида юк ташинлар ва унга сарф этилаётган вақт масаласи ҳам ўзаро савдо айланиши ўсишига салбий таъсир қилмасдан қўламапти. Лойиҳанинг амалга оширилиши маҳсулот етказиб беришга сарфланадиган вақт миқдорини ойлар, кунлар билан эмас, соатларда ўлчаш имконини беради. Иқтисодий жиҳатдан айтганидан бўлсак, юқлари ташин билан боғлиқ ҳаражатлар миқдори 3 баробаргача камайиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига нарх жиҳатдан ҳам рақобатбардош бўлишига замин яратилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, логистик имкониятлардан фойдаланиш самарадорлиги ошади. Марказий Осиё минтақаси трансporti ва логистика нуктаи назаридан жозибадор минтақага айланади. Товар экспорт қилаётган ишлаб чиқарувчиларга муқобил транспорт йўлақларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ушбу лойиҳа учун тоғли худудлардан ўтувчи мураккаб технология ечимлар ҳамда уни амалга оширишда муҳим бўлган молиявий манбаларни излаб топиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугун инсоният тафаккури, илм-фан ютуқлари асосида дунёда мураккаб технологик ечимлар талаб қиладиган лойиҳалар орқали мамлакатлар ўзаро интеграциялашмоқда, савдо алоқаларига киришмоқда. Уйлаймизки, лойиҳада назарда тутилган йўлнинг тоғлар орқали ўтадиган қисмида қуриладиган туннеллар масаласи амалиётда бўлган технологиялар воситасида ижобий ечим топади. Бу жараёнда халқаро экспертлар, соҳа мутахассислари ва тажрибали конструкторлик идоралари жалб этилади. Қолаверса, мамлакатимиз қурувчилари ҳам темир йўл қурилиши соҳасида ўзига хос илғор тажриба эга. Камчиқ довони орқали ўтган ва узунлиги 19,6 километрли туннелга эга Ангрэн-Поп темир йўлини фикримизнинг яққол далили сифатида келтириб ўтишимиз мумкин. Бу туннел қурилиши жиҳатидан мураккаб бўлган темир йўлларнинг кучли 10 талиғига кирди.

Афғонистонда темир йўл курган ягона давлат Ўзбекистон ҳисобланади. Бунга мисол 10 йилдан охиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётган Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлидир. Бу шуни англатадики, лойиҳани амалга ошириш бўйича илк қадамни Ўзбекистон бошлаб берди. Уни давом эттириш ва муваффақиятли яқунлашда ҳамкор давлатларнинг ташаббуслари, амалий ҳаражатларининг ҳам аҳамияти катта.

Лойиҳани амалга оширишда энг муҳим жиҳатлардан яна бири уни молиялаштиришдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бунинг учун 5 миллиард АҚШ доллари миқдориди сармоя талаб этилади. Тошкентда бўлиб ўтган юқори даражадаги уч томонлама учрашувда кўпга халқаро молия институтлари вакиллари иштирок этгани ҳамда лойиҳани қўллаб-қувватлаётгани бу масаланинг ҳам ижобий ечим топишига хизмат қилади.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкин, ягона ёндашув, кучли сиёсий ирода, қатъият, шижоат, халқаро даражадаги қўллаб-қувватлов лойиҳа муваффақияти сари етакловчи муҳим омилдир. Бундай мустақкам



пойдеворга эга лойиҳанинг самараси ҳам юқори бўлади.

Пандемия сабаб келиб чиққан мураккаб вазият, глобал иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташки сийсат йўналишлари халқаро даражада эътироф этилаётгани бежиз эмас, албатта.

Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси ҳамда унда яшаётган кўп сонли халқлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳани амалга оширишда кучли сиёсий ирода зарур. Буни Ўзбекистон мисолида бугун халқаро ҳамжамият эътироф этяпти.

Шу ўринда лойиҳанинг инсон ҳаётида тутадиган ўрнига ҳам тўхталиб ўтсак. Юк ташини, экспорт ва импорт товарларининг айланиши, божхона расмийлаштиришда зарур бўлган инфратузилманинг мавжуд эмаслиги турли тўловлар, вақт сарфи кўплиги, турли воситаларда ташин (ҳаво транспорт, автомобиль) нархлари юқори бўлиши ёки маҳсулотнинг сифат жиҳатдан ёмонлашишига сабаб бўлади ва нархлар ошишига олиб келади. Ҳаражатлар ўсиши истеъмолчи мамлакатларга номуаносиб, албатта. Бу каби салбий омиллар минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ва амалий рухдаги сиёсатни йўлга қўйишга эътироф бўлади.

Айтиш жоизки, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган шароитда интеграциянинг муқобил йўларини ўзлаштириш, ўзининг доллар аҳамиятини йўқотмайди. Шунинг учун ҳам денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакат сифатида Ўзбекистон минтақаларо ўзаро боғлиқлиқни транспорт сиёсатининг марказий элементига айлантирди.

Ўзбекистоннинг Афғонистондаги хавфсизлиқни таъминлаш йўлидаги амалий саъй-ҳаражатларидан яна бири афғон заминда инфратузилмани ривожлантиришда муҳим бўлган электр таъминоти масаласидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Афғонистон Президенти Ашраф Ғани ўртасида бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот довомида “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга ошириши жадаллаштириш бўйича келишувга эришилди.

Унга кўра, саъй-ҳаражатларни бирлаштирилган ҳолда “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш линиясини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш жадаллаштирилди, режалаштирилган ишларнинг бажарилишини мувофиқлаштиришнинг икки томонлама механизми яратилади.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банкининг 110 миллион доллар миқдориди маблағлари йўналтирилади. “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоғининг узунлиги 260 километрни ташкил этади ва у йилга 6 миллиард киловатт соатгача электр энергияси етказиб беради.

Шунингдек, трансфгон транспорт йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш, жумладан, техник ҳужжатларни тайёрлаш ва қурилиш ишларини бошлаш бўйича ҳам аниқ тақлифлар илгари сурилди.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, Ўзбекистоннинг ташки сийсати минтақада, қолаверса, дунёда хавфсизлиқни таъминлаган ҳолда томонлар учун манфаатли бўлган барқарор ривожланишга қаратилган. Энг муҳими, Ўзбекистон Афғонистондаги вазият ва тинчлик жараёнини ривожлантиришдек тарихий воқеада амалий қадамлари билан дунё ҳамжамиятида эътирофга сазовор бўляпти.

Ишонимизки, Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли ҳамда “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоғи афғон заминда тинчликни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади ва минтақа ривожланишида туб бурилиш ясади.

ТАДБИРКОРЛИК

НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ, АММО МУАММОЛАР ТЎЛИҚ БАРҲАМ ТОПМАГАН

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Маълумотларга кўра, “Бизнес юритиш” (“Doing Business”) халқаро рейтингда Ўзбекистон сўнгги беш йилда 18 поғона юқорига кўтарилди. Ўтган йилги натижаларга кўра, мамлакатимиз 190 та мамлакат орасида 76-ўриндан 69-ўринга ўтиб, рейтинг кўрсаткичи 7 поғонага яхшилانган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга бир қатор йўналишлардаги кўрсаткичларнинг яхшиланиши асосий омил бўлиб хизмат қилган. Хусусан, акциядорлик жамиятларида мустақил кенгаш аъзоси ва аудит кўмитаси бўлиши шартлиги талаби қонунийликда белгилаб қўйилиши натижасида миноритар акциядорларни ҳимоялаш кучайтирилди. Шартномалар ижросини таъминлашда халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган низоларни ҳал қилишнинг судгача бўлган механиз-

ми, медиациядан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича тизим қонунийликда белгилаш йўли билан мустаҳкамланди. Халқаро савдо соҳасини соддалаштириш йўналишида божхона ва чегара текширувида хавфни бошқариш тизими — “яшил”, “сарик”, “қизил” йўлақлар тўлиқ ишга туширилганини алоҳида қайд этиш мумкин.

Аммо эришилган бу каби ижобий кўрсаткичларга қарамай, тадбиркорларга халал берувчи тўсиқлар ҳалигача тўлиқ олиб ташланмаган. Президент

Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида жойларда тадбиркорлик фаолияти мутасаддилар томонидан қўллаб-қувватланаётгани билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими масалаларига асосий эътибор қаратилди. Унда қайд этилишича, қурилишга руҳсатномалар олиш, кредит олиш, солиқ тизими, мулкни рўйхатдан ўтказиш, тўловга лаёқатсизликни ҳал этиш каби масалаларда камчиликлар ҳамон учрамоқда.

Кредит тадбиркор учун муаммоми ёки ечим?

Ҳар қандай стартапни йўлга қўйишда тадбиркорга банкнинг кўмаги зарур бўлади. Сабаби, маблағ етарли эмас экан, қўзланган мақсадга тез ва тўлақонли эришиб бўлмайди. Тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини молиялаштириш учун Халқ банки, “Микрокредитбанк” ва “Агробанк” масъул этиб белгилаб, уларга етарлича ресурслар ажратиб берилган.

Юртимизда бизнес эгалари сафи кенгайгани сари кредит сўраб мурожаат қилувчилар сони ҳам кескин ошиб бормоқда. Бу борада ютуқлар қаторида муаммолар бўлиши ҳам табиий. Ҳўш, бу борадаги камчиликларга қай тарзда ечим топиламоқда?

— Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари жалб этган ҳорижий кредит линияларининг ҳам ўрни катта бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдирши (савдони молиялаштириш) учун 2,9 миллиард АҚШ доллари эквивалентида,

жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича 2,1 миллиард доллар миқдориди маблағлар йўналтирилди, — дейди Марказий банк бошқарма бошлиғи Олим Болғаев. — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тизимида фаолият юритаётган Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси томонидан банк кредитлари таъминотининг бир қисми бўйича кафилик ва кредит фоизлари бўйича қисман компенсация қилиш механизми жорий этилган. Ушбу механизмлар қўлланилиши натижасида 2021 йил 1 январь ҳолатига (фонд ташкил этилган даврдан буён) тадбиркорлик субъектларининг 46,2 триллион сўмлик кредитлари бўйича 9,9 триллион сўм молиявий ёрдам, жумладан, 5,9 триллион сўм кафилик (7 590 та кредит шартномаси бўйича) ва 4 триллион сўм компенсация маблағлари (19 806 та шартнома) тақдим этилди.

Мораторий бўлишига қарамасдан...

Президентимизнинг коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қатор фармонлари ижроси юзасидан Бизнес омуздасман ўтказган текширувлар натижасида бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Мутасаддиларнинг айтишича, тадбиркорлик фаолиятига аралашувни тўхтатишга қаратилган мораторий натижасида текширувлар сони икки баробар камайиши прогнози қилинган. Лекин кўрсаткичлар тадбиркорлик субъектларини текширишлар атиги 10 фоиз қисқарганини кўрсатмоқда. Бу фарғона вилояти мисолида яққол кўзга ташланади.



— “Фарғонага” ҳудудий филиали ходимлари томонидан 2020 йил апрель ойида 100 та, май ойида 135 та тадбиркорлик субъектидан истеъмол қилиниши лозим бўлган газнинг қиймати олдиндан 100 фоиз олинган, — дейди Бизнес омуздасман бош инспектори Шерзод Саидов. — “Фарғона ХЭТК” АЖ ходимлари томонидан 2020 йил апрель ойида 25 та, май ойида 46 та тадбиркорлик субъектидан истеъмол қилиниши лозим бўлган электр энергиясининг қиймати олдиндан 100 фоиз ундирилган. Бундан ташқари, “Ижара маркази” ДУК жами 65 та тадбиркорлик субъектидан ижара тўловлари учун 257 миллион 196 минг 492 сўм маблағ ундирган.

Солиқ идоралари томонидан Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони талабларига зид равишда ўтган йил 1 июндан 1 июлга қадар 68 та юридик шахсдан 25 миллион 797 минг сўм мол-мулк солиғи ва 71 миллион 460 минг сўм ер солиғи — жами 97 миллион 257 минг сўм солиқ тўлови ундирилган.

Шунингдек, мазкур ҳужжатда 2020

йил 15 май ҳолатига кўра, давлат солиқ хизмати органларининг микрофирма ва кичик корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариши ва ўтказиш бўйича инқасса топшириқномаларини қабуриб олиши белгиланган бўлса-да, бу талаб ҳамма жойда ҳам тўлиқ бажарилмаган.

Урганиш якуни бўйича давлат солиқ идораларининг фармон талабини бажармаган 19 нафар мансабдор ходимига нисбатан ЖТКнинг 245-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан баённомалар расмийлаштирилган. Шунингдек, Бизнес омуздасман томонидан “Узтрансгаз” АЖ ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раислари номига тақдимномалар киритилган.

Тан олиш керак, тадбиркорлик фаолиятига айнан мансабдор шахслар томонидан қўйиладиган тўсиқлар талайгина. Матбуот анжуманида уларни бартараф этиш чоралари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Тадбиркорлик фаолиятида мансабдорлар аралашуви ҳамда босими бартараф этилиши, нафақат бизнес эгаларининг иши енгиллашади, балки яширин иқтисодийнинг бартараф қилишида ҳам ижобий натижалар кўзга ташланади.



ОБОДЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР

НУРГА ЧУЛҒАНАЁТГАН ҚОРАКЎЛ

Бошланиши 1-бетда

Катта, раво ёлган машинамиз елиб борар экан, кўз олдимда қишлоқдаги қадрдонларим, юрт манзаралари жонланади. Йўл азоби — гўр азоби деганларидек, аввалги йилларда кўрган — қишлоқ йўлларининг абгор ҳолати кўз олдимда гавдаланади. Гарчи ақинларим телефон орқали суҳбатда қишлоғимиз йўллари таъмирлангани ҳақида бир неча бор "суюнчи" олган бўлса-да, буни тасаввуримга сиғдирма олмайман. Қолаверса, ўтган йили баҳорда рўй берган табиий офатдан кўрилган талафот қанчалик тикланди, пандемия ва табиат инжиқликлари қишлоқдошларимнинг ҳаётида қандай из қолдирди, деган саволлар ҳаёлимда чарх уради.

Қоракўлга кириб келганимизда атрофни тун қоронғиси қоплаган эди. Катта магистрал йўлдан туманимизнинг ички йўлга тушиб борар эканми, йўл бўйида теварак-атрофга ёғду сочиб турган чироқлар нуридан кўнглим равшан тортиди. Йўл ёқалаб янгидан қад ростлаётган замонавий иншоотлар, янги уйлари кўриб кўзим янада яшнади. Туман ҳокимлиги биноси олдида ўтаётди, бу ҳудуд ҳам ўзгача чироқ оғанини сезиш мушкул эмас эди. Демак, ақинларимнинг "Қоракўлга келсангиз, адашиб қоласиз" деган гапида жон бор экан. Ҳақиқатан ҳам, янги қиёфага кирган туманимиз марказини деярли таний олмай қолдим. Ўтган йилнинг мураккаб синовларига қарамасдан, туманимизда янги ҳаёт, янги ҳаётнинг руҳи кезиб юрганини юрт остонасидан ҳис этдим.

Туман марказидан қишлоғимизга етиб олиш учун яна 15 километрга яқин йўл босишга тўри келади. Ўтган гал келганимда бу йўл ҳали тўла таъмирланмаган, чанг-тўзон кечиб, ўнқир-чўнқирларда чайқала-чайқала ҳолдан тойдан эдим. Ўша таассуротлар хотирамга қаттиқ муҳрланган, шекилли, физиллаб бораётган машина сал силкинса, дарҳол йўлга қарайман. Ҳайдовчининг "етиб келдик" деган сўзидан ҳушёр тортиб теварак-атрофга назар солдим. Қишлоғимизда сокин ва осойишта тун ҳукмрон, ҳамма ширин уйқуда. Раво ёлган, обод кўчалар, мусоффо ҳаво, тинчлик-хотиржамлик муҳити қишлоқдаги тинч осуда ҳаётдан далолат берарди.

Табиий офат оқибатлари қандай бартараф этилди?

Эртасига эрталаб қишлоқдаги ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриш учун ҳаяжон билан кўчага отландим. Аввало, табиий офат туфайли зарар етган хонадонларни бориб кўрдим. Маҳалламиз оқсоқолининг айтишича, 2020 йил 27 апрель куни рўй берган кучли шамол оқибатида қишлоқдаги 53 хонадон жиддий жабр кўрган.

Қаттиқ шамолдан зарар кўрган хонадонларнинг том қисмини қайта тиклаш учун 1222 дона шифер, 230 донадан ошиқ тахта етказиб берилди, — дейди "Мустиқлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғулом Худойқул. — Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги кунда бу хонадонларнинг барчаси қайта таъмирланди.

Маълумки, ўтган йили 27 апрель куни республикамиз ҳудудига Туркманистон ҳудудидан кучли шамол кириб келиб, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида секундига 9 — 40 метргача тезликда шамол эсган эди. Оқибатда уй-жойлар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етди. Давлатимиз раҳбари зудлик билан Бухоро вилоятига бориб, Қоракўл ва Олот туманларидаги ҳолатни кўздан кечирди. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелда "Бухоро вилоятида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича кечкиртириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси тузилиб, унга тегишли вазирлик, идора, ташкилот, маҳаллий ҳокимлик вакиллари бириктирилди. Бошқа туманлар каби Қоракўлга ҳам юртимизнинг турли ҳудудларидан кўмак қаровонлари етиб келди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, табиий офат оқибатларини бартараф этишга 75 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ сарф қилинди. Шундан 71,5 миллиард сўм бюджет, 4,5 миллиард сўм ҳомишлар маблағлари ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, 1 минг 200 километр паст ва юқори кучли электр тармоқлари, 392 та трансформатор, икки юздан кўпроқ алоқа ус-тунлари, 56 километр алоқа тармоғи тўлиқ тикланди. Натижада етказилган барча зарар тўла бартараф этилиб, 14 161 та хонадон, 126 та ижтимоий соҳа объекти, 27 та кўп қаватли уйнинг том қисми қайта тикланди. 29 минг хонадоннинг электр энергияси, 8,1 минг хонадоннинг табиий газ линиялари қайта тикланди, труба тикланган жойга махсус қора қути ҳам ўрнатилган экан. Бу ерга сув ҳисоблагич ўрнатилган эди.

Булари кўриб бопалик йилларим кўз олдимда гавдаланди. Ўқувчиллик йилларимизда қўлимизга чепак олиб ёки аравага катта идишларни ортиб қишлоқ оралаб сув излаб юрардик.

Айниқса, ёзнинг саратонида сув топиш муаммо эди. Ариқ ёки ерга ўрнатилган қанчир орқали чиқариб олинган сув эса деярли ичишга яроқсиз, бироқ қишлоқ аҳолисининг шу яроқсиз сувни истеъмол қилишдан бошқа иложи йўқ эди. Кейинги йилларда қишлоқ аҳоли бетон қудуқ қуриб тоза сув ташиб келтирадиган бўлди. Бироқ бетон қудуқда узок вақт сақланган сув ҳам вақт ўтиши билан ичишга яроқсиз ҳолга келиши табиий. Тоза ичимлик сув таъминоти эса аҳоли саломатлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмасди.

Жорий йил 21 январда Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи доирасида Олот тумани марказида Олот, Қоракўл, Жондор ва Шофиркон туманлари фаоллари, маҳалла раислари билан бўлган учрашувда бу масалаларга ҳам эътибор қаратилиб, Олот ва Қоракўл туманлари ичимлик сув таъминоти яхшилаш бўйича Жаҳон банки широктадаги 139 миллион долларлик лойиҳа яқунлашиб, 265 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланиши таъкидланди. Бунинг натижасида мазкур икки туманда 30 йилда ичимлик сув таъминоти 17 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 90 фоизга етади.

Айни пайтда қурилиши давом этаётган "Икки даҳа" сув иншооти битказилиб ишга туширилган, суткасига 50 минг куб метр суви тўзалайди. Натижада 88 та маҳалла аҳолиси, 50 та ижтимоий ва саноат объекти сув билан таъминланади. Обиҳаёт исроф бўлишининг олдини олиш ва тоза ичимлик сувдан оқилона фойдаланиш учун 51 мингта сув ҳисоблагич ўрнатилиб, тизимда замонавий SCADA технологиясидан фойдаланилади.

Бундай хушхабар қўллаб қоракўлликлар катори мени ҳам жуда мамнун этди. Зеро, тоза сув — соғлом ҳаёт, фаровон келажак деганидир. Ишончим комилки, катта машаққат эвазига қишлоқ аҳолисига яратилган бу шароитларни ҳар бир юрдошимиз юксак қадрлайди. Қишлоқларимизга тоза сув билан бирга одамлар ҳаётига янгича маъно-мазмун, хонадонларга бахт, сурур, шодлик, ҳаётдан розилик ҳисси, янада нурли, фараҳбахш кунлар кириб келади.

Қоракўл терисидан Қоракўл мактабига...

Илгари туманимизнинг номи тилга олинганда кўпчилиكنинг тасаввуринда қоракўл терилари, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик ривожланган



ҳудуд гавдаланар эди. Сўнгги йилларда Қоракўл тумани нафақат аграр соҳа, балки саноат, таълим, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда ҳам ўз ўрнини намойиш этиб бораётгани қувонарлидир. Туман ҳокимлигининг иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари Мақсуд Сувонқулов билан суҳбатлашиб бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

М.Сувонқуловнинг айтишича, Қоракўл туманида 2016 йилда 35 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 12,5 миллион долларга етди. Ҳозирги кунда туманда учта йирик саноат корхонаси, мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирма, уч мингдан кўпроқ яқка тартибдаги тадбиркор фаолият қурятпти. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юртимиз бозорларига етказилиши баробарида Хитой, Россия, Беларусь, Қозғоғистон, Афғонистон каби хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

2021 йилда ҳам бу хайрли ишлар изчил давом эттирилиб, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 66 та йирик лойиҳани амалга ошириш ҳисобидан туман иқтисодиётига 1 триллион 365 миллиард сўмлик инвестициялар жалб қилиниши натижасида 2400 та янги иш ўрни яратиш йўлида қизғин иш олиб борилмоқда.

Чорвачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида 2021 йилда туманда иккита 1000 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси ишга туширилади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда камидан 200 бош қорамолга мўлжалланган 2 тадан жами 26 та чорвачилик комплекси ташкил қилинади. 2021 йилда тумандаги бир қатор корхоналар негизда жами қиймати 2 миллион доллар бўлган 2000 бош насли буюқ келтириб боқишни ташкил қилиш лойиҳалари амалга оширилади.

Туманда саноат ва ишлаб чиқариш жадал ривожланиши баробарида таълим-тарбия тизимида эришилаётган натижаларни бугун нафақат халқимиз, балки бутун жаҳон аҳоли ҳам эътироф этаётгани барчамизга гурур бахш этади. Айтиш керакки, бугунги кунда бутун дунёда алоҳида эътироф этилаётган қоракўлча

ўқитиш услубини жорий этган фидойи муаллим, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони, "Эл-юрт ҳурмати", "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Тўхтамурод Жумаев юртимиз мустиқликка эришган кунлардан бошлаб умумтаълим мактабларида ўқув-услубий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида биринчилардан бўлиб ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернатини ташкил қилган эди.

Устоз муаллим 1991 — 2009 йилларда иқтидорли, истеъдодли ўқувчилар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ибратли ишларни амалга ошириб, юртимизда алоҳида ўринга эга бўлган таълим муассасасини жаҳонга танитди. Мазкур мактаб бугунги кунга келиб "Халқаро математика мактаби" мақомини олди. Мазкур таълим муассасида яратилган замонавий шароитлар туфайли таълим жараёнида самарали натижаларга эришилмоқда. 2021 йил 7-13 январь кунлари пандемия сабабли онлайн тарзда бўлиб ўтган Халқаро математика олимпиадасида эришилган натижалар бунга мисолдир. Қозғоғистонда бўлиб ўтган ушбу нуфузли халқаро танловда 20 та давлатдан 146 та жамoa таркибидан 1000 дан ортиқ ўқувчи ёшлар фойлиб учун баҳсланди. Олимпиадада иштирок этган ўзбекистонлик ўқувчи ёшлар математика бўйича 7 та кумуш ва 2 та бронза, яна бир нафар ўқувчи физика фанидан кумуш медалга соҳиби бўлди. Математика фанидан қўлга киритилган 9 медалнинг 4 таси Қоракўл халқаро математика мактаби ўқувчиларига тегишли экани ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг ёрқин нишонаси бўлди.

Шу билан бирга, туманда Т. Жумаев ташаббуси билан асос солинган яна бир замонавий таълим муассасаси — Бухоро давлат университетининг қошидаги 3-Қоракўл академик лицейи ҳам фаолият қуритиб келмоқда. Лицейда фидойи муаллимларнинг меҳнати туфайли иқтидорли шогирдлар дунёнинг қатор ривожланган давлатларида ўтказилаётган қўллаб қан олимпиадаларида голиб ва совриндор бўлаётгани, нуфузли дипломларни қўлга киритаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Ҳозирга қадар лицейнинг 3 минг 114 нафар битирувчиси республика олий ўқув юрларида, 56 нафари эса хорижий давлатлар университетларида тахсил олган.

"Обод қишлоқ" давлат дастури асосида қўракам қиёфа касб этмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинида мавжуд ҳар бир кўчада туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ва бошқа туман ташкилотлари томонидан барча ишлар "маҳаллабай" тизими асосида ташкил этилмоқда. Бунда асосий эътибор аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилди.

"Осиё" маҳалласида жами 901 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда 5 минг 648 нафар аҳоли истиқомат қилади. Айни пайтда маҳаллада "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳолининг бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича иш олиб борилмоқда. Хусусан, "Темир дафтар"га киритилган 4 та оила ва уларнинг 2 нафар аъзосига субсидия ва имтиёзли кредит ажратиб ҳисобидан иссиқхоналар қуриб беришга келишилди. Уларга тегишли мутахассислар томонидан амалий-услубий кўмак берилди.

"Ҳар бир оила — тадбиркор" ва бошқа дастурлар орқали 53 нафар фуқарога кредит олишга амалий ёрдам кўрсатиш чоралари қўрилмоқда. Бу орқали фуқаролар балиқ етиштириш, асаларчилик, иссиқхона хўжалиги, чорвачилик, паррандачилик йўналиши бўйича ўз тадбиркорлигини ташкил этади.

2021 йилда "Обод қишлоқ" дастурида белгиланган ишларни амалга ошириш мақсадида 500 га яқин хонадон ўрганиб чиқилди ва тартибда келтирилмоқда. Ҳудуддаги

Математика фанидан қўлга киритилган 9 медалнинг 4 таси Қоракўл халқаро математика мактаби ўқувчиларига тегишли экани ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг ёрқин нишонаси бўлди.

ички йўллар таъмирланмоқда, сув йўллари тозаланяпти.

Шунингдек, оилавий шифокорлик пункти ходимлари ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг тор доирадаги соҳа мутахассислари ҳамда марказий шифохона ҳамширалари томонидан аҳоли тиббий хатловдан ўтказилиб, уларга соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш берилди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудлари каби Қоракўл туманининг ҳам ҳар бир қишлоқ ва маҳалласида ана шундай хайрли ишлар тобора кенг қулоч ёзмақда. Бунинг натижасида ҳар бир инсон юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини эртага ёки олис келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этиш бахтига мушарраф бўлаётир.

Мени чорлаган ёғду

Болалигимда қишлоғимизнинг адоғида ястаниб ётган қирларга тез-тез бориб турардим. Ўша бандликлардан қараганда узоқ-узоқларда чарақлаб турган чироқлар ёғдуси жилполанар эди. Катталардан сўраб бу туманимиз маркази — Қоракўл шаҳри эканини билганман. Орадан йиллар ўтиб, бу манзаралар ўзгариб кетди. Ўтган йилларда ҳудудлар инфратузилмаси ривож эътибордан четда қолши натижасида туманимиз маркази қиёфасига ҳам пугур етган эди.

Бугун эса манзара бутунлай бошқача. Тунги чироқлар ёғдусида янгидан қад ростлаган замонавий иншоотлар, кўпқаватли уйлар, савдо мажмуалари, кўнглиночар масканлар шаҳарча кўрғи кўрқ бахш этмоқда. Йўлларга ўрнатилган чироқлар нафақат тунни, кўнглини ҳам равшан этади. Кўчаларга ўрнатилган светофор йўл ҳақикати тартибга солиб, одамларни огоҳликка даъват этади.

Атроф ёрғ бўлгани учун кўчада тунги сайрга чиққан одамлар оқими тинмайди. Уларнинг орасида ёшлар ҳам, нуронийлар ҳам бор. Баъзилар оилавий бўлиб сайр этиб юрибди. Шаҳар марказидаги тўйхоналар ҳам гавжум. Бу ерда карантин қоидаларига риоя этилган ҳолда тўй-тантаналар давом этмоқда. Кечки пайт бўлишига қарамай, савдо ва турли мажмуалар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Одамларнинг юзи-кўзида табассум, мамнунлик, бахтиёрлик туйғуси барқ уриб турибди.

Тўйхоналарда эса куй-қўшиқ баралла янграмоқда. Тўкин дастурхон атрофида нуронийлар юртимизга тинчлик, эзгу ишларга ривож тилаб дуога қилади. Уларга қўшилиб дуога қўл очар эканман, бир пайтлар кўнглимга сеҳр солган ушбу нурли чироқлар тоабдад порлаб туришини, юрт эртаси бугундан ҳам обод бўлишини ният қилдим.

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



МУШОҲАДА

ЖИСМОНИЙ ЕТУКЛИК МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК АСОСИДА ШАКЛЛанади

Нодир ҒАФФОРОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети доценти

Ўртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, миллий тараққиётга эришиш, ҳаётимиз фаровонлиги замонавий билимларни пухта эгаллаган, миллий маънавий қадриятларимизни билган, ардоқлай олган малакали кадрларга бевосита боғлиқ. Шу маънода, ёш авлод онгу шуурига янгича ҳаёт қуриш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллаш фақат миллий ғоя, маънавий қадриятларга садоқат ҳамда улғун маслак атрофида бирлашув асосида рўйбга чиқишини уқтириш устувор вазифа ҳисобланади. Бу жиҳатлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамият ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида алоҳида таъкидланди.

Энг муҳими, янги Ўзбекистонни барпо этишдек юксак мақсадни амалга ошириш икки мустақкам устуғна асослангани аниқ-тиник кўрсатилди. Бу — кучли иқтисодиёт ҳамда аждодларимиз бун мероси ва миллий қадриятларига асосланган юксак маънавият.

Тараққиётнинг залворли икки устунини янада мустақкамлаш эзгулик, одамийлик, халқпарварлик ғояларига асосланган маффураимизнинг туб моҳиятини, миллий, умуминсоний қадриятлар тарбиясининг асосларини чуқур синдириш нуктаи назардан қаралганда жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги таълим муассасалари олдига қандай муаммолар бор, деган мушохадани савол тўғилиши табиий.



Бунда биз қайси устувор масалаларга ургу беришимиз керак?

Саволга жавоб беришга чоғланар эканмиз, тизимда баъзи муаммолар борлиги ҳам аён бўла бошлайди. Аввало, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида назарий билим ҳамда кўникмага эга бўлган кадрларни тайёрлаш ҳамон долзарб аҳамият касб этади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг спорт билан доимий шугулланишига шараит яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятига бўлган ишончини мустақкамлаш, Ватанга дахлдорлик туйғусини камол топтириш, иқтидорли спортчи ёшларни катта спортга йўналтириш ҳам ғоят муҳим масалалардан.

Давлатимиз раҳбари аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, фарзандларимизни соғлом вояга етказишга қандай эътибор қаратиб келади. Бу йўлда ҳаммамиз ҳам фидойиллик кўрсата оламизми? Афсуски, ҳа, дейишга асосимиз йўқ.

Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони пандемия шараитида жисмоний тарбия ва оммавий спорт

билан мунтазам шугулланиш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилига амал қилиш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини асослаб берди. Энг муҳими, фармонда кишилар саломатлигини тиклаш ва реабилитация ишлари, жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ҳамда самарали ташкил қилишга шараит яратувчи инфратузилма аниқ кўрсатилди.

Жўяли савол тўғилади: нега тегишли вазирлик тасарруфидоги спорт ташкилотлари ҳамда муассасаларда ишлаётган малакали мутахассислар, тажрибали педагог-мураббийлар, тренерлар, йўриқчилар, тиббиёт ходимлари мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини тизимли асосда тарғиб этмапти? Ростини айтганда, шу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида "Соғлом турмуш тарзи платформи, тўсиқсиз муҳит нима?", "Саломатлик йўлаклар, спорт дақиқаси қандай ташкил этилади?", "Кундалик рейтинг дафтраси нимага керак?" каби саволлар асосида сўровнома ўтказилса, кўпчилик тўлиқ жавоб беролмаслиги мумкин. Спорт тиббиёти ва даволал жисмоний тарбия тизимида хизмат қилаётган салоҳиятли мутахассислар ҳам тарқибда туз,

қанд, ёғ микдори меъёридан ортиқ бўлган ҳамда хамирли таом, ширинликлар, нон маҳсулотининг истеъмолини камайитириш бўйича таъсирчан тарғибот шакллари тайёрлашда фаол эмас. Бир ёки икки кўрсатувда чиқиш, эшиттиришда қатнашиш, 4-5 нафар тиббиёт ходими иштирокида давра суҳбати ўтказиш билан кўзланган натижага эришиш мушкул.

Президентимизнинг 2020 йилнинг 4 ноябрида "Қураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2025 йилгача қураш миллий спорт турини янги босқичга олиб чиқиш концепцияси қабул қилинди. Қадим тарихга эга бўлган қурашни оммалаштириш, ривожлантириш, дунёга танитиш, миллий қадрият сифатида олимпиада ўйинларидан жой олишига эришишдек улғун мақсадни мужассам этган мазкур қарорнинг моҳиятини барчага етказишда мутахассислару мураббийларда фаоллик, жўшқинлик етишмапти. Республикада қурашга йўналтирилган 226 та спорт таълим муассасаси мураббийлари нега жим?

Яна бир ҳужжат тарғиботи тўғрисида тўхталмақчиман. Президентимизнинг жорий йилнинг 14 январь кунини "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қани соҳа мутахассислару мутахассисларнинг қарор мазмун-моҳияти ва уни рўйбга чиқариш механизмларига оид мулоҳазалари? Теран тарихий ва илмий илдизга эга бўлган ақл ўйини — шахмат тўғрисида алоҳида қарор қабул қилиниши катта воқеалик-ку ахир. Замонавий ахборот технологиялари жадал кириб келаятган, ахборот хуружи зимдан таҳдид солаётган бир паллада ўзини ўта замонавий шахс сифатида тасаввур қилиб, интернет тўридан чиқиб кета олмаётган, турли "тик-ток"ларни ҳаётнинг ажралмас қисмига айлантираётган, мантисиз шакл, кўриниш ва бачкана жозибадорликка асосланган "оммавий маданият" унсурларини ҳаёт тарзига синдираётган айрим ёшларга шахмат илмини ўргатсак қандай яхши!

Яна бир мулоҳазали масала бор. Ўзбек спортчисининг маънавий қиёфасини белгиловчи одоб-ахлоқ қондалари — кодексга тартиб берилмаган. Спортчи

қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Миллий маънавий қадриятлару ахлоқий хислатларни уларга қандай етказиш мумкин? Жисмоний тарбия дарсларида қандай тарбиявий фазилатлар шакллантирилади? Глобаллашув шараитида миллий ўзлиги ва маънавий қадриятларимизга бўлаётган хавф-хатарни улар қандай тушунади?

Фирқимизча, спортчи ёшларда турли таҳдидларга қарши иммун тизими замонавий спорт тақомилнинг тарихий асосларини манбаларга таяниб тушунтириш орқали шакллантирилади.

Бунда асосий эътиборни миллий маънавий-маданий мерос, анъаналар, тарихимизни, замонавийликнинг қадриятларига узвийлигини содда, раво услубда етказишга қаратиш муҳим. Энг асосийси, ҳар қандай жисмоний етуқлик маънавий баркамоллик асосида шакллансагина спортчининг дунёқарши, ҳаётий эътиқоди ва қарашлари замона мос тушади, деган ғояни синдириш мақсадга мувофиқ.

Ҳаётий мисол. Замона зайли билан ҳаётимизга янги спорт, жумладан, қишқи спорт турлари аста-секин кириб кела бошлади. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида қишқи спорт турлари факультети, кафедраси ташкил этилиб, мазкур спортнинг илмий-назарий ва амалий асослари ўргатила бошлади. Президентимиз ташаббуси билан барча қулайликларга эга ҳашаматли "Ҳумо" спорт аренаси ишга туширилди, хоккей, муз устида учуш спорт билан шугулланишга имкон яратилди. Тоғ чанғиси ва сноуборд спорти ривожини таъминлайдиган "Амирсой" зур-чанги курорти фойдаланишга топширилди.

Бу жуда яхши, албатта. Шу билан бирга, ёшларимизга ота-боболаримиз хоккейга ўшаган чавгон уйинини қадимдан билишганини, тарихий манбаларда бу уйиннинг шаклланиш тарихи ва

қондалари изчил ёритилганини, Амир Темур салтанатида қиличбозлик, найза улоқтириш, чавандозлик, камондан ўқ отиш, мерганлик, қураш, кўпкари каби жисмоний ва руҳий чиниқини шакллантирадиган спорт турлари мунтазам ўргатилганини ҳам уқтириб боришимиз керак. Афсуски, Ҳусайн Бойқаро, Заҳридин Мухаммад Бобур, Жаҳонгир мирзо каби шахзодаларнинг ҳарбий билимлари ва жанг санъати унсурларидан хабардорлиги, шoir ва мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоийнинг қиличбозлик сирларини пухта ўзлаштирганлиги айрим ёшларимиз билмайди.

Ёшларни турли илпатлардан, бепарволик, лоқайдлик, ўзибўларчилик ва масъулиятсизлик хатарларидан сақлашда таълим маскани, маҳалла, оила ҳамкорлигини кучайтириш керак. Бу узвийлик яхлит мустақкам тизимни шакллантиради. Шундагина таълим-тарбияда танаффус бўлмайди, ижтимоий муаммоларни камайитиришда жамоатчилик назорати кучаяди. Энг асосийси, ёшлар руҳиятида норозилик ва беқарорлик кайфияти пайдо бўлмайди.

Ёшлар қалбига ватанпарварлик, ислохотларга дахлдорлик, шижоат, ишонч, фахр-ифтихор туйғусини синдириб, янгича фикрлаш ва ишлашни шакллантирадиган авлодни тарбиялаш бош мақсадимиз экан, бунинг учун, аввало, ота-оналар ва педагоглар жамоаси зиммасига катта масъулият юкланади. Шу жумладан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети профессор-ўқитувчилари, мураббийлар жамоаси бир маслак атрофида бирлашиши зарур. Бу таълим-тарбия яхлитлигига хизмат қилади, маънавиятли, илмли, ўз эътиқоди ва муқталик қарашларига эга бўлган, элни ардоқлайдиган, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга холис муносабат билдирадиган, моддий таъминотга қодир фарзандлар камол топишига асос бўлади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

кенг жамоатчилик фаоллиги орқали амалга киритилади



Одина ЖАМОЛДИНОВА, оли ва ўрта махсус таълим вазири маслаҳатчиси

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда давлат тилини изчил жорий этиш жараёнини такомиллаштириш ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига муқаммал ўтилишини таъминлаш белгилаб қўйилган эди.

Айнан шу йили ўзбек тилининг асосий имло қондалари яратилиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси амалиётга босқичма-босқич жорий этила бошлади. Орадан 26 йил вақт ўтди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида таълим ола бошлаган авлод бугун давлат ва жамиятнинг турли соҳаларида, бошқарув органларида фаол меҳнат қилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этишини назарда тутадиган бўлса, бугун юртимизда

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритишга тайёр авлод шаклланди, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Лекин ўтган йиллар мобайнида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритиш, барча иш қўғозлари ва ҳаракатдаги ҳужжатларнинг тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш юзасидан қатъий талаблар қўйилмади. Иш юритишда кирилл ва лотин ёзувининг амал қилиб келиши, табиийки, ноқулайликлар ва жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Ҳукуматимиз томонидан 2021 йил 10 февраль кунини қабул қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда бу борадаги муаммоларнинг бартараф этилиши юзасидан қатъий чоралар белгиланди.

Яқин муддатларда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган "йўл харитаси"да жамиятимизда мавжуд бўлган энг муҳим ижтимоий муаммонинг ечимига қаратилган устувор вазифалар аниқланди.

Жумладан, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг янги таҳрири асосида "Ўзбек тилининг имло қондалари" тасдиқланади. Ўзбек тили алифбоси ва янги имло қондалари асосида транслитерацияга мўлжалланган ахборот дастурий таъминотлар учун ягона талаб ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.

Турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ходимлари, мустақил ўрганувчилар учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузурида фаолият кўрсатаётган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва жамиятда ошириш маркази ҳамда унинг 13 та ҳудудий бўлимида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, имло қондалари ва давлат тилида иш юритишни ўрганиш бўйича ўқув курслари ташкил

этилади. Эътиборли жиҳати, ўқиш ва ўрганиш истиғида бўлган аҳоли вакилларининг белул ўқитилиши таъминланади.

Узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим бўғинидан бошлаб болаларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва янги имло қондалари бўйича саводхонлигини оширишга мўлжалланган кўрсатмалар ва тарқатма материаллар тайёрланса, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари, дарсликлар тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида нашр этилади. Кирилл алифбосида чоп этилган ва кутубхоналарда сақланаётган адабиётларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги электрон кўринишлари босқичма-босқич яратилади.

Мамлакатимизда фуқаро шахсини тасдиқловчи гувоҳномалар, ID карталар, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳамда чет давлат фуқароларининг яшаб гувоҳномалари такомиллаштирилган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш чоралари кўрилади. "Йўл харитаси"да кирилл ёзувидан лотин ёзувига саводли ўғирадиган дастурий таъминот ҳамда уларнинг мобил иловалари яратилишини рағбатлантириш назарда тутилган бўлиб, бу, ўз навбатида, ёшларни изланишга ва янгиликларни яратишга ундаши табиий.

Турли соҳалар бўйича атамалар, жой номлари, киши номлари лугатлари ва ўқув лугатларининг тайёрланиши, нашр этилиши ва кенг тарқатилиши аҳолининг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва янги имло қондаларини тез ҳамда осон ўзлаштириб олишига хизмат қилади.

Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, жой ва кўчалар, ташкилотлар номлари, пешлавҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонларнинг янги тартибда ёзилишини тўлиқ таъминлашда кенг жамоатчиликнинг фаоллиги ва ҳар биримизнинг масъуллигимиз муҳим омили бўлади.

ЯНГИ ТИЗИМ

Рўзимбой ҲАСАН, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

...Шамоллаб қолиб, қишлоғимиздаги оилавий поликлиникада муолажа олишимга тўғри келди. Шифокор буюрган томчилатиб томғирга юбориладиган уқолни олиш учун бир соатга яқин ётиш керак бўлди. Гарчи қишлоқда интернет тизими муқаммал бўлмаса-да, вақтни ўтказиш учун қўл телефонимда ижтимоий тармоқларга кириб, хабар ва ахборотлар билан танишмоқчи бўлдим.

Қаранги, оилавий поликлиникада интернет тизими бениқсон ва тезкор ишлар экан. Бу ажабланишимга шифокор қисқача изоҳ берди: "Бизда интернет зур! Интернетнинг бундай ишлаши тизимни бутунлай ўзгартириб юборди. Ҳозир вилеят соғлиқни сақлаш бошқармасидан туриб энг чекка ҳудудлардаги малакали тиббий ёрдамга муҳтож беморларни вилеят миқёсидаги тиббий марказларнинг шифокорлари кўридан ўтказишда, қандай даволал бўйича маслаҳат ва тавсиялар беришдади. Техника тараққиётига қаранги, энди бемор йўл босиб, вилеят марказига бориб ўтирмайди — шу ернинг ўзида керакли муолажалари олади".

Ёш шифокор яна ушбу тизим Соғлиқни сақлаш вазирлигининг корпоратив портали имкониятидан ва бошқа бир қатор дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётганини ҳам эслатиб ўтди. Шифокор тилга олган айрим ахборот атамаларига биз тенглирининг унчалик тили қовушмаса-да, ана шу сехрли сўз ва атамалар ортида олашмумул — атиги беш ил олдин, ҳатто хаёлимизга келмаган янгиликлар мавжудлиги сир эмас.

Дарҳақиқат, қисқа муддат ичида турмуш тарзимизга кўп янгиликлар — "масофавий таълим", "масофавий даволаш" каби атига ва усуллар кириб келди ҳамда амал қилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда тиббиёт соҳасига ҳам кириб келди, ҳатто энг олим худудлардаги шифо масканларини ҳам қамраб олмақда. Бунга Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги

ХОРАЗМ: БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ

юқори тезликка эга интернет хизматларидан фойдаланяпти



"Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳуқуқий асос бўляпти. Ушбу фармонда давлат тиббиёт муассасалари ва ташкилотларини кенг қамровли (томонлар келишувига мувофиқ, тезлиги йиллик ўсиши камида 10 Мб/с инобатга олган ҳолда) интернет тармоқларига вилеят миқёсида 2019 йил 1 мартга қадар, туман даражасида эса 2019 йил охиригача, барча давлат тиббиёт муассасаларини эса 2021 йил охиригача улаш белгиланган.

Республикамизнинг чекка худудларидан бири — Хоразм вилеятида, масофавий тизим сақлаш бошқармаси тизимидаги барча муассасаларга оптик толали алоқа линияларини тортиш ишлари ўтган йилнинг охиригача қилинган эди. Хозирча келиб бирламчи тизим ҳисобланмиш — оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пункти ва қишлоқ оилавий поликлиникаларининг 90 фоизиди юқори тезликка эга интернет хизматларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, тизимда самарадорлиқни таъминлаб, фуқароларга тезор ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини кескин оширди.

Тизимдаги янгиликлар фақат шулардан иборат эмас. Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон — 2030"

стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосан вилеятнинг Хонка ва Шовот туманлари намунавий худуд сифатида танлаб олиниб, ушбу туманлардаги бирламчи тиббий масканларда "Ягона электрон карта", "Электрон поликлиника", "Электрон шифохона", "Электрон рецет" каби ахборот тизимлари жорий этилмоқда. Бунинг учун мазкур икки тумандаги бирламчи тизим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш жараёни босқичма-босқич амалга оширилляпти.

Бу эса, ўз навбатида, масофавий тизим узлуксиз ишлаши, тиббиёт ходими фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш ҳамда назорат қилиш, шифокор қабулига навбатни тартибга солиш, аҳолининг электрон амбулатор карталарига эга бўлиши, беморлар бўйича тезор ва аниқ маълумотларни шакллантириш имкониятини бериляпти. Пировартида талай қўғозбозлик ва оворгарчиликларга чек қўйилляпти.

Энг асосийси, тўсатдан оғриган бемор энди ўз қишлоғидаги тиббий муассасада даволанар экан, бир вақтининг ўзида махсус шифохоналарнинг малакали шифокорлари назоратида ҳам бўлади. Бу эса унинг тез соғайиб кетишига имкон яратади.

МОЗИЙ — ҲАҚИҚАТ ТАРОЗИСИ

ФАЙЗОБОД ВА САЙҲОНСОЙ ДАХМАСИ

тарихнинг сирли воқеликлари билан боғловчи маскан

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА,
журналист

Тарих эврилиб, Туронзаминга оқ юзли, қизилранг сочлари ўрилган юечжилар, қўшқанотли монгол жанг либосидаги хун, усун ва сармат қабилалари, илк ўрта асрларда эса хионий, кидарийлар кириб келади. Кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли тил топшишган кезлар кўз олдингизда гавдаланиб, ажиб ўтмиш воқеалари жонланади... Гапни олис ўтмишдан бошлаганимизнинг боиси шуки, Жиззах вилоятида ана шу мозий қатлари билан бугунги боғловчи дарча топилди.



Хожа Ахрор валининг Жиззахда ери бўлган. Уша даврларда оилавий дахмаларга дафн этиш урф эди. Файзободдаги дахма йирик зодагонлар оиласига мансубдир. Сабаби, одамлар ҳозирги шароитда бундай дахмаларни барпо қилолмайд.



Сайхонсойдаги қабр эса антик давр, яъни миллоддан аввалги III-II асрларда яшаган кўчманчи қабилалар маданиятига мансуб. Бу қабрнинг ашёлари айнан миллодий II-IV асрларга оид. Қабр — катакомба қабр. Бунинг хусусияти шундаки, узун давом этувчи айвон перпендикуляр ҳолатда сағанана келиб туташиди. Унинг йўлаги тўрт ярим метрга қўзилган. Йўлак орқа тарафдан хилхонага келиб туташиди. Катакомба қабрларнинг тарқалиши ҳам антик даврга тўғри келади. Хунлар, сармат ва юечжиларнинг катакомба қабрлари бўлган. Улар ашёларга бой.

Баъзи манбаларда юечжи подшоҳининг қабри топилганидан ундан кўплаб қимматбаҳо ашёлар чиққани битилган. Хитой кўлэмаларида номи қайд этилган юечжи ва усунлар майитларни шарқлик қўшнилари каби тошқутиларда эмас, балки қўргонларда сақлаган.

Сайхонсой сағанасидан II-IV асрларга оид сопол хурмача, кўза, сопол қозон, пичоқ учлари, исирқидон, сурмадон, ойна, жангчининг қилчичини тутиб туришга мўлжалланган тўқа каби моддий ашёлар топилган. Қабрда олов аломатлари кузатилади. Уша пайтда жасадларни ёқиш анъанаси бўлиб, Зомин тумани худудидаги Ғулбо деган жойда ҳам шундай одат бўлган.

Ҳайвоннинг суяклари ва кул қатлами топилди, — дейди Фуқрат Ташбеков. — Бу қўрбонлик маросимидан далоят. Биз илгари Ғулбода қўргонларда бундай ҳолатни кўрдик. Қабрнинг оёқ томонида чуқурчалар қовлаб қўйилгани кузатилади. Шундай анъаналар Сайхонсойдаги дахмаларда жуда кўп учрайди.

Файзобод дахмаси кечмишнинг энг олис ва энг илк гувоҳларидан биридир. Сабаби, унинг халқимиз ҳали ўзбек номи олимасидан, ўзбек бўлиб шаклланишидан ҳам аввалги даврлардан шохидлиги бор.

— Файзобод дахмасидаги бош суякларни европоидларга хос, ҳозирги одамларникига ўхшайди, — дейди тарихчи.

— Ўзбек халқи антропологик шаклланиб бўлганидан кейинги шаклга оиддир. Сайхонсойда ўрғанилган бош суякларидан хали тўпик ўзбек халқига хос хусусиятлар ўрғанилмаган. Улар Миллий археология марказига ўрғаниш учун юборилади. Бу устухонларда айнан дашт кўчманчиларига хос хусусиятлар мавжуд.

Сайхонсойда ўрғанилган қабр ўз хусусиятига кўра катакомба қабрлар турига кирилади. Мозорқўргонларда ўрғанилган моддий ашёлар ва дафн маросимларида қадимги даврда кириб келган юечжи, хун, усун ва сармат қабилалари ҳамда илк ўрта асрларда кириб келган хионий, кидарий, эфталит ва турк хоқонлиги даври моддий-маънавий маданиятига мансуб хусусиятлар кузатилади. Бу мозорқўргон ашёлари орасида кулоллик идишлари — сопол хурмача, ваза, исирқидон ва металл буюмлар, ойна, тўқа, пичоқ мавжуд. Мозорқўргондаги идишлар, асосан, жасаднинг бош томони ва ёнига қўйилган бўлиб, уларнинг кўп қисмини аскар кўчманчилар даштида учрайдиган, қўлда ясалган сопол идишлар ташкил этади. Хурмачага ўхшаш мазкур идишлар Марказий Осиёнинг шимолий минтақаларида кенг ёйилган кўчманчилар моддий маданиятида кўп учрайди. Бу хилдаги сопол идишлар Қовунчи маданиятига оид ёдгорликлар, миллодий I-II асрларга оид Фарғона водийси ва Чоч худудидида қурум ва муҳоналарда учрайди. Шунингдек, бу каби идишлар миллодий I-IV асрларига оид Кугай, Қорабулоқ маданияти ўрта босқичларига тааллуқли сопол идишлар ва ми-

лод бошларига мансуб Қуйимзор ва Лавандоқ қабрларидаги сопол идишларга жуда ўхшаш.

Бу ердан давринг яна бир ўзига хослигини англатиб турувчи қадимий буюм — бронза кўзгу топилган.



Бу топилма мозорқўргондаги қабрда, ўртадаги жасаднинг олд тарафига, юзига қаратиб қўйилган. Кўзгу айлана шаклида бўлиб, сирти томонга текис буртиб чиққан. Ушбу диск бир пайтлар кўзгу сифатида ишлатилгани ва эгаси вафот этган, қабрга у билан бирга қўйилганига шубҳа йўқ. Машхур олим Н.Горбунованинг таъкидлашича, "... у замонларда кўзгулар бронзадан қилинар ва уларнинг ярқиратиб тозаланган юзасида одам ўз аксини кўради". Кўзгунинг сиртига ялтироқ ишлов берилган, ички қисмида эса учта, қандайдир нарсани ёпиштириш учун ишлатилган металл елимининг изи сақланиб қолган. Ушбу ишларнинг иккитаси бир-бирига параллел ва 4 см. масофада ёнма-ён, пастдагиси эса алоҳида маданий мерос объектлари рўйхатидан ўрин олиб, давлат томонидан муҳофазат этилади.

Энди бизни тарихнинг сирли ва жозибали воқеликлари билан боғловчи яна иккита маскан бор. Мозийдан зорқўргонда кўплаб қайд қилинган. Б.Литвинский Марказий Осиёда ўрғанилган кўзгуларнинг пайдо бўлиши ҳамда улар билан боғлиқ дафн удуларини кенг таҳлил қилган. Текис

тутқичи дискимон кўзгуларни тўрт, тутқишиз кўзгуларни эса уч турга ажратган. Бунга ўхшаш кўзгулар Зарафшон воҳасидаги Лавандоқ, Фарғона водийсидаги Ворух, Қорабулоқ, Боркарбоз мозорқўргонларида ҳам қайд қилинган.

Антик ва илк ўрта асрларда Уструшонада ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг бир-бирини тўлдирувчи маданияти шаклланиб. Археологик тадқиқотлар бу даврда мустақам химоя иншоотлари ва қалъаларга эга бўлган шаҳарларда, йирик қишлоқ ва қўргонларда нуфузли қабилла бошлиқлари, уруғ ёки жамоа оқсоқоллари, бой-бадавлат оилалар ва қисман ҳунармандлар яшаганини кўрсатади. Ҳунармандликнинг турли соҳалари ривожланиб, тижорат гуриради, суғориш иншоотлари қурилади. Бу жараён ўлка халқларининг моддий ва маънавий ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Қанғ даврида ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарлар тараққиёти билан бирга, атрофда яшовчи чорвадорлар билан ҳам ҳар томонлама алоқалар уйғунлаша боради.

— Қанғ конфедератив давлати тасарруфида бўлган Чоч, Илоқ, Уструшона каби қадимий деҳқончилик воҳаларида нафақат ўтроқ хўжалик тараққиёти, шаҳарсозлик маданияти юксала борган, балки икки хил хўжалик соҳибларининг бир-бирини тўлдирувчи маданияти ҳам шаклланиб, сайқал топган, — дейди Фуқрат Ташбеков. — Бу воҳалар атрофидаги бепеён дашт, тоғ ва тоғолди худудларида қадимдан яшовчи ва кейинги даврларда келиб жойлашган чорвадор аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаётга таъсири ортиб борган. Уструшонада ўрғанилган мозорқўргонлар ашёлари кўчманчиларнинг Сирдарё орқали кириб келиши ва Жануб томон ўтиши ўлка халқларининг маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатганини тасдиқлайди. Бу ҳолат Уструшонанинг муҳим боғловчи худуд бўлгани билан изоҳланади. Юечжи, хун ва усун каби қабилаларнинг баъзи гуруҳлари Жанубга ўтмасдан, воҳага туташ, чорва учун кулай жойларда қолиб кетган. Бу ерларни ўз кишловлари сифатида макон тутган. Улар ўтти яйлловларни излаб, асосан, тоғолди даштликлари, дарё ва жилғалар бўйлаб, хали маҳаллий ўтроқ ва чорвадор аҳоли томонидан ўрналаштирилмаган худудларда ўрнашган. Улар ихтисослашган хўжалик юритиш анъанасини давом эттириб, нафақат яйлов чорвачилиги, балки металлургия ва деҳқончилик билан ҳам шуғулланаверган.

Уструшона тоғларида жуда кўп металл конлари захираси мавжуд эди. Мохир ҳунармандлар улардан умумий фойдалана билган ва харбий қурол-аслаҳалар ишлаб чиқариш соҳаси янада кучайган. Аста-секин чорвадор ва ўтроқ аҳоли ўртасида айирбошлар ва савдо-сотиқ алоқалари мустақамлаша борган. Моддий маданиятдаги сифат ўзгаришлари шундан гувоҳлик беради. Тадқиқ этилаётган мозорқўргонлар соҳиблари ҳаёт фаолияти ҳам ана шу жараёнлар билан боғлиқ бўлган.

Мутахассислар фикрича, бу ер сайёҳлар келадиган зиратгоҳга айлантирилиши лозим. Энди объект муҳофазат қилишга молик, давлат аҳамиятидаги, илмий қимматга эга саналади.

— Топилмамиз археологик ва архитектура ёдгорлиги сифатида вилоятимиздаги маданий мерос объектлари рўйхатига киритилиши кўзда тутилмоқда, — дейди вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи Синдор Қорабоев. — Бу бўйича маҳалла фуқаролар йиғини, жамоатчилик вакиллари билан бирга жамоатчи инспектор тайинлаш ҳамда ушбу объектда археология ва илмий-таҳлилий ҳулосаларни, қазув ишларини бажариш учун келишиб олинди. Бу дахма келажақда маданий мерос объектлари рўйхатидан ўрин олиб, давлат томонидан муҳофазат этилади.

Энди бизни тарихнинг сирли ва жозибали воқеликлари билан боғловчи яна иккита маскан бор. Мозийдан зорқўргонда кўплаб қайд қилинган. Б.Литвинский Марказий Осиёда ўрғанилган кўзгуларнинг пайдо бўлиши ҳамда улар билан боғлиқ дафн удуларини кенг таҳлил қилган. Текис

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЧОРРАҲАСИДА

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва ISESCO

Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кечаётган кенг қўламли ислохотлар барча соҳаларни қамраб олмақда. Хусусан, диний-маърифий йўналишда ҳам улкан истиқболли лойиҳалар амалга ошириляётганига барчамиз бирдек гувоҳ бўлиб турибмиз.



Буюк аллома аждодларимизнинг бой маънавий меросини илмий асосда ўрғаниш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида юртимизда Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мо-туридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилиши бу фикрнинг яққол далилидир. Мазкур муассасаларни ташкил этиш жараёнида жаҳоннинг нуфузли халқаро марказлари тажрибаси ўрганилди, улар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар, ҳуқуқий асослар яратиб берилмоқда.

Бунинг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази мисолида оладиган бўлсақ, ушбу муассаса ташкил этилганга ҳали кўп бўлмаган эса-да, бугунги кунга қадар дунёдаги 28 та етакчи ислом тадқиқот маркази билан меморандумлар имзолади. Хусусан, Буюк Британия, Франция, Германия, АКШ, Миср, Саудия Арабистони, Туркия, Малайзия, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардаги илмий марказлар билан алоқалар ўрнатилди.

Яқинда Марказнинг халқаро ҳамкорлари яна биттага қўшади. Муслмон дунёсининг энг нуфузли тузилмаси саналувчи Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислам олами ташкилоти (ISESCO) билан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўртасида меморандум имзоланди.

Ҳужжатга кўра, икки ташкилот экспертлари ва ходимлари иштирокида кўша илмий ва технологик тадқиқотлар олиб бориш, ҳамкорликда илмий конференциялар, семинар ва симпозиумлар, давра суҳбатлари, маърузалар, шунингдек, илмий ходимлар учун ўқув курслари ва маҳорат дарслари ўтказиш, тажриба ва маълумотлар алмашуви, тадқиқотлар натижалари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этиш йўлга қўйилди.

Меморандумни имзолаш маросимида ISESCO Бош директори Салим Муҳаммад Малик Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг ислом илм-фани ва маданияти равақига қўшган ҳиссасини эътиборга олиб, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида мазкур нуфузли ташкилотнинг Кўлэмаларни тадқиқ этиш ва каталоглаштириш бўйича минтақавий марказини ташкил этиш тақдирини билдирди. Шунингдек, ISESCO Марокаш қироллигининг Фас шаҳридаги

Сайид Муҳаммад ибн Абдуллох университетидеги Имом Бухорий академик тадқиқотлар кафедрасини ташкил этиш, Ўзбекистондаги ёдгорлик ва муқаддас қадимжоларни Ислам олами мероси рўйхатига кириштириш каби йўналишларда марказ билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлади.

Мазкур ташаббус замирида ёшлар онига ислом маърифатини синдириш, тадқиқотчи олимлар учун дунё тамаддунига беназар ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини ўрғаниш, ислом динининг асл инсонпарварлик тамойилларини халқаро миқёсда тарғиб этишдек хайрли мақсадлар мўжассамдир. Бу борада ISESCO билан яқин ҳамкорлик юртимиз заминидан етишиб чиққан улғун алломаларнинг бой меросини халқаро миқёсда ёритиш, жаҳон афкор оммасини улкан тарихимиз ва маданий меросимиз билан таништириш, нафақат марказ, балки Ўзбекистондаги барча турдош муассасаларнинг дунёдаги шундай марказлар билан алоқаларини янада кенгайтириш имконини ҳам беради.

Бу ўринда марказ ISESCO билан шу чоққача ҳам билвосита биргаликда ҳаракат қилиб келганини қайд этиш жоиз. Масалан, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2020 йил 28 май кунини Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Маданият вазирлиги, ISESCO ва IRCICA ҳамкорлигида "Бухоронинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва ундаги ўрни" мавзусида ўтган халқаро илмий-амалий видеоконференциянинг фаол иштирокчиси ҳам бўлди.

ISESCO 1979 йилда таъсис этилган бўлиб, бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида жойлашган. Айни вақтда унга 54 давлат аъзо.

Ташкилотнинг асосий мақсадлари аъзо давлатлар ўртасида таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳаларидаги бирдамликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, шу тариқа ўзаро ҳамфикрликни қарор топтириш, маданиятлар ва динлараро мулоқотни фаоллаштириш ва алоқибат бутун дунёда тинчлик ва ҳавфсизликни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ушбу нуфузли тузилма билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш орқали бу борадаги фаолиятини халқаро миқёсда фаол ривожлантиришни мақсад қилган.

